



ХУРРИЯТ

МУСТАҚИМ ГАЗЕТА

13-19 декабрь
2000 йил
49 (202) - сон

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

КЕПАЖАККА
ХИЁНАТ

2-
БЕТ

ҚОЧОҚЛАР
ТАҚДИРИ

3-
БЕТ

ФОТОСУРАТЧИ
АКТЁР БЎЛИБ
КЕТАРДИ

4-
БЕТ

INTERNATIONAL LIFE

ИНСОНПАРВАРЛИК
ЁРДАМИ

8 декабрь куни АҚШ ҳукуматининг "Инсонпарварлик ёрдами дастури" бўйича Республика Ижтимоий таъминот вазирлигига 50000 доллар, 240 ногиронлар араваси берилди.

Ёрдам Бухоро вилоятидаги болалар ва катталарга қаратилган. Аравалар ногиронларга ёрдам беришчи шахсий ножиҳат "Ногиронлар араваси — жажонга" фонди томонидан ажратилган. "Инсонпарварлик ёрдами дастури" АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилган ва Ўзбекистонда 1998 йилдан бери маҳаллий аҳолига хизмат қурсатади.

КОНГРЕСС ҚАРОРИ


Япония ҳукумати мамлакатда бошлана топан Перу собиқ президенти Алберто Фухиморининг япон миллатига мансуб эканлигини исботлади. Япония қонунларида қўйиш мумкин, чунки қонунлар япон миллатига мансуб шахсларни давлатдан чиқаришга йўл қўймайди.

Перу конгрессининг жиний иш қўзғатишдан қочиб, собиқ президент ўч хабта олдин Японияга келди. Бир неча кундан сўнг Фухимори Перу конгрессига президентлик лавозимидан четлаштирилган ун хат юборди. Аммо конгресс хатни рад этди ва Фухиморини истеъфога чиқарди.

Ф.КОПРОН

3-БЕТ

ТАРАДДУД



Биз, аввало, Оллоҳ таолонинг марҳамати билан она бағрида вужудга келган зурриётнинг соғлом ҳолда ривожланиши, уни энг замонавий тиббий воситалар ёрдамида кузатиб бориш ва парваришланиши, пировард натижада онанинг саломатлигини сақлаб, боланинг ҳам соғлом туғилиши учун зарур шарт-шароит яратишни ўзимизнинг доимий вазифамиз, деб билишимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

ҲАЁТНИНГ ДОЯСИ — АЁЛ

Қўҳна Шарқда аёлларга азалдан чуқур ҳурмат, меҳр-шафқат, ҳалимлик ва назокат билан муносабатда бўлишди. Уларнинг иффати — элнинг иффати, уларнинг номуси — юртинг номуси қадар эъзозланади. Буюқ Исломнинг аёллар мавқеи борасидаги нафис ҳукм ва ёндашишлари эса янада жозибали.

Йилларни алоҳида номлар билан аташ ва ана шунга муносиб равишда зарур тадбирларни белгилаб, уларни амалга ошириш истиқлол йилларида ажойиб анъанага айланди. Ўзбекистон Конституциясининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президент Ислом Каримов XXI асрнинг биринчи йиллини мамлакатимизда Аналар ва болалар йили деб эълон қилди. Президент оналар ва болалар йили дейилишини изохларкан, шундай деди: "Бунинг рамзий маъноси шундан иборатки, Янги йилни Яратганимизнинг буюқ мўъжизаси бўлган барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб ўзининг бутун борлигини бағишлайдиган ҳаёт давомчиси бўлмиш

Оналар, жондан азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз, ўйлайманки, жамоатчилигимизга, халқимизга маъқул келади".

— Президентимизнинг "2001 йил — Аналар ва болалар йили" деб эълон қилганларини эшитиб, бошимиз кўкка етди, — дейди биз билан мулоқотда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи, 1-даражали "Соғлом авлод учун" ордени нишондори Нурия Туреева. — Оналик ва болаликнинг ҳимоя қилиниши, бу масаланинг давлат сибсати даражасига кўтарилиши бизнинг зиммамизга ҳам янада улкан масъулият юклайди.

Дарвоқе, шундай, аёл ҳаётнинг дояси, бола эса унинг давомчиси. Янги минг йилликнинг, янги асрнинг биринчи йиллини ҳаётимиз дояси ва давомчилари тимсолида кўришимиз янги асрда миллатимиз шон-шавкатининг, қудратининг янада юксалишига ишора бўлса ажаб эмас.

Ф.КОПРОН

"КИЧИК КЎЧА" — АЙНИ МУДДАО

"Хуррият"нинг 2000 йил, 41- ва 47- сонларида таклиф этилган фикрларга кўшилиб бўладими? Мен баъзи мулоҳазаларни ўртага ташлайман. Кўча-кўй, маҳалла-гузар, мавзедаҳа, кишлоқ-овул, кўрғон-шаҳар, вилоят-қудуд, юрт-ўлка, минтақа-қитъа, Курраи замин — Жаҳон, Дунё, Планетани англайди.

Бу атамалар соф ўзбек адабий тилида ўз ифодасини топган. Бунга тилчино тилшунос, элшунос тарихчи ёки бошқа соҳа мутахассислари монелик қилишмайди.

Ўзбек тили лугати ва бошқа соҳалар лугатларида эътироф этилган жараён ёзма ва оғзаки лугатимизда ишлатилади. Энг асосийси, ана шу атамалар яқиний хулосаси — гўша, остона, уй-ҳовли, Ватан — она Ватандир.

Энди "йўл-кўчалар"га келсак. Ўзбек тилида ҳеч қандай "тулик" — "боши берк кўча" бўлмаслиги шарт ва керак. Кўчаларни беш турга бўлиш лозим: равои йўл ёки кўча, шох кўча, айланма йўл, кўча, кичик кўча. Изоҳчи шундай бериш мумкин: а) узоқ йўл ёки кўчаларга "равон" қўшимчасини қўйиш; б) "шох кўча" — шаҳар, туман ва кишлоқ-овуллардаги марказий кўчалар; в) "айланма йўл" — шаҳар, туманларни айланиб ёки четлаб ўтайдиган йўллар; г) "кўча" — барча тўри, илон изи бўлиб шаҳар, туман, кишлоқ-овул кўчалари; "кичик кўча" — шаҳар ва туманлардаги (кўп замонлар "тулик" деганимиз — К.Н.) кўчалардан ажралиб, муайян уй-ҳовли билан яқинланган ёки ариқ-канал, баъзан кўча — шох кўчаларга бориб такаладиган қисқа узунликдаги кўчаларга айтелса аини муддао бўлар эди.

Уйлайманки, мамлакат Атамашунослик кўмитаси "боши берклик"дан чиқиб, кичкина бўлса ҳам "кичик кўча"лар номланишига йўл берса аини мақсадга мувофиқ бўларди.

Карим НОРМАТОВ,
профессор

ТАКЛИФ

"ФИДОКОР"НИНГ КЎЧАСИ ТОРМИ?

Шоир ва адиб Машраб Бобоевнинг "Хуррият" газетасида чоп этилган (2000 йил, 41-сон) "Боши берк кўчаданми?" сарлавҳали мақоласини ўқиб, менинг ҳам тилим "кичиди". "Тилчи"лимим тўтиб кетди. Унда муҳим масала ўртага ташланган. Чиндан ҳам "тулик" сўзи ўзбекчага нотўри ўғирилган.

Филология фанлари номзоди Икромиддин Остонакулов эса "Боши берк кўча" ўрнига "кўй" атамаси ишлатилишини таклиф қилибди ("Хуррият", 2000 йил, 47-сон). Такқослаб кўрайлик: Амир Темур кўчаси, 1-кўй, 31-уй. Менимча, "кўй" сўзи ҳам ўзини оқламайди. Чунки "кўй" катта йўл маъносини беради, кичик йўл — унинг устига бошқа томонга чиқиб бўлайдиган йўл ҳам кўй бўлади. "Боши берк" эмас, аслида "этаги (охир) берк кўча" дейиш керак бўлади. Сабаби, боши берк эмас, кирса бўлади-ку, лекин охиридан чиқиб бўлмайди. "Этаги ёки охири берк" деб аташ ҳам эриш тўғрисида. Ундай десак ҳам, бундай деб аташ ҳам ўзини оқламайди. Шунинг учун "кўча" — демак, катта йўл экан, "тулик"ни "йўлак" деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Чунки катта кўчанинг икки томонидаги пидедалар юрадиган йўлни "йўлакча", "йўлак" дейиш.

Яна бир фикр: катта йўлни "кўча", кўчанинг икки тарафидидаги пидедалар юрадиган йўлни "йўлак", "боши берк кўча"ни, яъни

"тулик"ни "йўлакча" деб аташ қандай бўларкин?

Масалан: Амир Темур кўчаси, 1-йўлакча, 1-уй... каби... Ахир "Фидокор" газетаси манзиллини Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй деб беришяпти-ку! Бирок бу ерда кўча сўзи икки марта такрор келаяпти. Шунинг хисобига олиб, Амир Темур кўчаси, 1-йўлак (ёки йўлакча), 2-уй деб берилса яхши эмасми?

Шундай қилиб мен куйидаги таклифни айтмоқчиман: **проспект — шох кўча** **улица — кўча** **тротуар — йўлакча (йўлак)** **тулик — йўлак** **проезд — кичик кўча** **подъезд — йўлак (чунки унинг ҳам боши (этаги) берк)** **разъезд — йўлак (вакцинчалик), кейинчалик катта (узун) йўл бўлиши мумкин-ку!** Сизларга омад, сихат-саломатлик тилаб қоламан.

Хусанбой ТОЖИМАТОВ,
Ўзбекистон Давлат
Жаҳон тиллари университети,
"Ўзбек тили" кафедрасининг
катта ўқитувчиси

Буюқ ишларни амалга ошириш
учун киши ҳеч қачон
ўлмайдигандек яшashi керак.

Л.ВОВЕНАРТ

ХИКМАТ

МУНОСАБАТ

Собиқ иттифок парчаланиб кетганидан сўнг, ўтган ўн йил давомида Россиядек катта давлатда кечаётган жараёнларга дунё ҳамжамияти қизиқиш билан қараб келмоқда. Россиянинг собиқ иттифок худудида пайдо бўлган янги мустақил давлатлар ва бошқа хорижий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган интилаётгани холис ниятли кишиларни қувонтирмайди.

Бирок, куни кеча давлат рамзлари тўғрисида Россия Думасининг қабул қилган қарори кўпчилик қатори мени ҳам ҳайратга солди. Гап шундаки, қизгин бахс-мунозаралардан сўнг, собиқ СССР мадҳиясининг мусиқаси Россия Федерациясининг давлат мадҳияси сифатида қабул қилинди. Аввалроқ давлат герби сифатида эса,

ЯНГИ ДАВЛАТГА... ЭСКИ МАДҲИЯ МУНОСИБИМИ?

Чор самодержавияси босқинчилик сибсатининг тимсоли бўлган икки бошли бургут тасвири қайта тикланган эди...

Бошқаларни билмадим-у, шахсан менинг назаримда, бу воқеалар муносабати билан оқу қора, яхшилиги ёмонлиги, ўтмиш келажак қорилиб кетгандек туюлди. Эҳтимол, янгилаётгандирман. Биз Россияни тоталитар тузумдан воз кечиб, демократик йўлни танлаган мустақил мамлакат сифатида биламиз. Бирок, Россия халқларининг бутунги демократик тараққиёт йўли, ёруғ орзу-ниятлари билан собиқ тоталитар тузум,

зўравонлик ва босқинчиликни ифода этувчи, большевик гояларни "Ким биз билан бирга эмас экан, у бизга душман" қабилидаги принципти бутун дунёга ёйишга ҳаракат қилган мусиқа ҳамда икки бошли бургут тасвири ўртасида қандай боғлиқлик борлигини тушуна олмаганман.

Хар бир давлатнинг ўз мадҳияси ўз халқининг орзу-умидлари, маслак ва интилишларини ўзида эркинлаштириш эстади. Собиқ СССР мадҳияси ҳам мустақил тузум мақсадини ифодалагани, бинобарин, унинг манфаатларига хизмат қилгани сир эмас-ку!

Ахир, нафақат рус халқи,

балки собиқ иттифок худудидаги барча миллатлар бошига мислсиз қулфатлар, қирғину қатагонлар шу мадҳия остида солинган эмасми? Бутун собиқ иттифок халқларини "большевик"лар ва "аксилкичи"ларга бўлиб ташлаган ҳам ана шу мадҳия гоялари эмасми! Ахир, ўша тузум жабрини рус халқининг ўзи бошқалардан кўра кўпроқ кўрмадимми?

Афсуски, коммунистлар, эски замони ҳамон қўмсаётган "собиқ"лар ҳеч бўлмаса унинг мадҳиясини сақлаб қолишга жон-жаҳдлари билан уринаётган кўринди. Россия зиёиллари,

парламент аъзолари, фуқаролари бу масалада қарама-қарши фикр, икки хил қарашга эга экани ҳам бу ҳақиқатни исботлаб турибди. Чунки икки бошли бургут тасвири туширилган Чор самодержавияси герби ҳам, шўро мадҳияси ҳам гаиринсоний сибсатинг, биринчи навбатда ўзга халқларни босиб олиш, махв этиш ва тобе қилишдек манфур ниятларнинг тимсоли эди.

Кейинги кунларда Россия матбуоти ва телевидениеси орқали кўплаб жамоатчилик вакиллари, оддий фуқаролар мадҳия мусиқасига қарши муносабат билдиришганини кўрдим. Улар айнан шу

мадҳия садолари остида юз минглаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлгани ҳақида гапиришмоқда. Шу босиш ҳам кўпчилик бу мусиқани бугунги Россия Давлат мадҳияси сифатида қабул қилинишини собиқ шўро замонида қатагон этилганлар хотирасига хиёнат, деб атамоқда.

Лекин ана шундай эътирозлар, фикр-мулоҳазалардан кўра коммунистларнинг хоҳиши устун келгани, Дума собиқ СССР мадҳияси мусиқасини мустақил Россия давлатининг мадҳияси сифатида қолдиришга қарор қилгани кишини ажаблантиради.

Нима ҳам дердик, ҳар бир давлат ўз йўлини, ўз мадҳиясини ўзи танлайди. Аммо ўзгариб, янгилашиб бораётган ҳозирги замонда янги давлатга эски мадҳия ярашармикан?

Рустам МИРХОЛИҚОВ

ХАБАР

ЖАМҒАРМА МЕҲМОНЛАРИ

Сорос фонди Очик жамият институтининг Нью-Йоркдаги вакиласи Сусан Лазорчик, Будапештдаги вакиласи Гордана Янкович ва Албидас Лпстас Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига ташриф буюриб, фонд ва институт фаолиятида жамиятнинг, жумладан оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш муаммолари билан шуғулланиш кенг ўрин тутгани ҳақида, янги давр ўзбек матбуоти бу йўлдан дадил бораётгани, бундай амалиётда турли миқёслардаги ҳамкорликлар катта самара бериши хусусида сўзлашди.

Жамғарма ҳамраиси Х. Дўстмухамедов истиқлол йилларида Республика оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилингани, мазкур қонунлар аста-секин ҳаётда ўз аксини топаётгани, Республика Президенти матбуотга, жумладан журналистларга ҳаммаша катта диққат-эътибор қаратаётгани, ёш ва фидойи ёш журналистлар сафи ортиб бораётганини гапириб берди. Ўзбекистон журналистлари, шунингдек, жамғарма ҳар қандай халқаро миқёслардаги ҳамкорликларга, ижодий тажриба алмашинуларга доимо тайёрлигини айтди.

МУХБИРИМИЗ

ДЎСТИК

БАЙРАМДА—БАЙРАМ!

Конституциямизнинг 8 йиллиги кунини Алишер Навоий номидаги санъат саройи гавжум бўлди. Сабаби, худди шу кунини у ерда Ўзбекистон ва Туркия санъаткорлари иштирокида қўшиқлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда икки давлатнинг машҳур қўшиқ усталари қатнашди. Ўзбекистонда турк оҳангларининг ихлосмандлари жуда кўп экан: тик туриб концерт томоша қилишга рози бўлганлар анчагина эди.

Саҳнанинг безатилиши ва турфа рангдаги чироқлар

қўшиқларнинг янада жаранлашига ҳисса қўшган бўлса ажабмас.

Ҳазал, Али Хайдар Гул, Фатих Кислармак сингари ёрқин юлдузлар ўзбек тинловчиларида катта қизиқиш уйғотди. Тўпланганларни хайратга солган яна бир ҳолат: саҳнага халқимиз ардоқлаган санъаткорлардан бири кутлимгаганда зал орасидан чиқиб келди. Аникроги, истеъдодли турк қўшиқчиси Фатих Кислармак уни саҳнага таклиф этганди. Санъаткор қўлашани бошламасидан унинг кучоғи гулга

тўлиб кетди. Саҳнада бир эъм туриб қолган бу инсон қандоқ бўларкин, дегандай бир муддат таратдиладанда, ширали овоз билан қўлай кетди. Йиғилганлар унга жўр бўлиб, "Биринчи муҳаббатим"ни қўйлашди... Қўшиқлар фестивали роппа-роса уч соат давом этди. Унга ташриф буюрганлар катта маънавий озқу олдилар. Асосийси, улар яна бир бор ўзбек ва турк халқларининг абадий дўстлигига, жондош, қардош халқлар аҳилигига гувоҳ бўлдилар.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА

ТААЖЖУБ

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ... АРОҚДА?

Буюқ ватанпарварлик, қаҳрамонлик ва жасорат тимсоли Жалолиддин Мангуберди қалбимиздан чуқур жой олмоқда, айниқса, мустақиллик йилларида ундаги хислатлар мингларни, миллионларни ана шундай Ватан ўғлини бўлишга ундамоқда. Бирок... "Ургач-шароб" акциядорлик жамияти бобокалонимизнинг суратини ароқ шишасига ёпиштираётганини мени жуда таажжублантирди.

Ахир бир ўйлаб кўрайлик, қалбидан Жалолиддин сиймоси чуқур ўрнашаётган мактаб ўқувчи ёшлари, ўсмирлар, қараски, бобосининг расми ароқ шишасида (этикеткасида) турибди. "Ие, шундай улуг зотнинг сурати шишада экан, унинг ичига ҳам яхши нарса бўлса керак-ов!" деб хали ҳаёт тасавури тула шаклланиб ул-

гурмаган ёшлар шу орқали ароққа, винога ружу қўямасмиканлар? Тўғри, акциядорлик жамияти ўз мақсудини реклама қилиш ҳуқуқига эга, бунга қонун йўл беради. Бирок бу ниятнинг ёшларимиз онгини захарлаш ҳисобига бўлаётганини, фикримча, ахлоқимизга, маънавиятимизга тўғри келмас-ов!

"Сўғлом авлод йили" деб дунёга жар солаётган эканми, шунга мувофиқ ишларимизни амалда кўрсатайлик, мақсулоти, айниқса, ароқ ва сигаретни мақташда минг бора унинг ёлғизлиги, етти ўлаб, етти ўлаб, бир кесиб иш тугтайлик!

Шавкат БОЛТА,
журналист



МУЛОҲАЗА

ТАКОМИПЛАШАЁТГАН СОЛИҚ

Мутахассислар нима дейди?

Бозор иқтисодида босқичма-босқич ўтиш жараёнида меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли шакллари вуҷудда келмоқда.

Энди меҳнат ҳақининг банк муассасалари томонидан назорат қилинишидаги баъзи муаммоларга тўхталсак.

Маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳри бўйича жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида ўртача тармоқ маошлари миқдори ўтган йилдагига нисбатан 6256 сўмга, яъни 33 фоизга ошган.

Амалдаги қонунларга қўра, маош энг кам иш ҳақидан кам бўлмашлиги лозим. Маошнинг юқори даражаси эса чегараланмаган.

Бирок энг қизиги ҳали олдинда. Республика статистика департаменти йўриқномасининг 6.1.12 бандида "чет муаллифлар қалам ҳақи (гонорар) иш ҳақига кирди" дейилса, 8.3 бандида "муаллифлик гонорари иш ҳақига қирмайди" дейилган.

Ушбу мулоҳазалар баъзи ўқувчиларга зерикарлида тулолар. Аммо назаримизда фуқароларнинг, жумладан журналистларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида гап борганда муаммонинг катта-кичиги бўлмайди...

Ҳабибулло АБДУЛМАЖИД, "Хуррият"нинг махсус мухбири

ТАФТИШ

КЕЛАЖАККА ХИЁНАТ

ёхуд академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун ажратилган давлат маблағларининг "ҳазм" қилиб юборилаётгани хусусида

Таълим тизимидаги ислохотлар босқичма-босқич туб бурилиш ясади. Жумладан, мамлакатимизда жаҳон андозалари талаблари даражасидаги замонавий билим даргоҳлари — академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари фаолият кўрсата бошлади.

Хўш, ана шу маблағлар қандай сарфланмоқда? Улар белгиланган мақсадларга ишлатилганими? Бу борада гирромлик, қалбакчилик юз бермаптими? Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идоралари ҳамда Республика Молия вазирлигининг жойлардаги бошқармалари томонидан ўтказилган текширишларда ана шу саволларга ойдинлик киритилди.

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилиши ҳамда уларни жиҳозлаш учун ажратилган бюджет маблағларини ўзлаштиришда айрим раҳбарлар ва моддий жавобгар шахслар томонидан бир қатор суистеъмолчиликларга, ҳатто талон-тарожчиликларга йўл қўйилмоқда.

Режага қўра 2000-2001 ўқув йили бошланишида қадар 5 та академик лицей қуриб ишга туширилиши кўзда тутилган бўлса-да, шу давр мобайнида улардан бирортасининг ҳам қурили-

ши тугалланмаган. Янгидан бунёд этилиши лозим бўлган 50 та касб-хунар коллежидан бор-йўғи 11 таси фойдаланишга топширилган, холос.

Масалан, Арнасой туманидаги «Фаргона» хўжалигида 300 ўринли касб-хунар коллежи қурилишида 1999 йили режалаштирилган 30,0 миллион ўрнига 5,5 миллион сўмлик, бу йил эса 150 миллион ўрнига атиги 11,7 миллион сўмлик иш бажарилган.

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилиши ҳамда уларни жиҳозлаш учун ажратилган бюджет маблағларини ўзлаштиришда айрим раҳбарлар ва моддий жавобгар шахслар томонидан бир қатор суистеъмолчиликларга, ҳатто талон-тарожчиликларга йўл қўйилмоқда.

Аниқланган ҳолатлар республика бўйича ҳиддий ўрганилиб, тегишли чоралар кўриш юзасидан прокуратура назорати ўрнатилди. Бу масаланинг бир томони. Вуҷудда келган ҳолатнинг бундан-да анчиқроқ ва хунроқроқ иккинчи томони ҳам бор. Ақсарият академик лицей ва касб-хунар коллежлари нинг қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларисиз бошланган.

маган ишларни бажарилди, деб қўшиб ёзиш бюджет маблағларини ноқонуний равишда бошқа мақсадларга ишлатиш ва талон-тарож қилиш авж олди.

Фактларга мурожаат қилайлик: Фаргона вилояти Сўх тумани ҳокимлигининг қарори билан 750 ўринли коллеж қурилиши учун ер майдони ажратилган. Қурилиш ишлари бошланиб 7,3 миллион сўм маблағ ҳам сарфланди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу ер Сўх суво омбори қирғоқ бўйи муҳофазат минтақасига тегишли бўлиб, қурилишни давом эттириш мумкин бўлмади.

Афсуски, бундай ҳолатлар Фаргона вилоятидагина содир бўлгани йўқ, 1999 ва 2000 йилларнинг сентябр ойига қадар республика бўйича 26 та ҳолатда 284,1 миллион сўмлик иш ҳажмлари лойиҳа-смета ҳужжатларисиз амалга оширилган, 114 ҳолатда 162,2 миллион сўмдан зиёд иш ҳажмларига коэффицентлар нотўғри қўлланилган, яъни материал нархи ошириб, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари қўшиб ёзилган.

жамиятининг мутасадди раҳбарлари давлат бюджетидан савдо коллежи қурилиши учун ўтказилган маблағни хомталаш қилишган, яъни 41,5 миллион сўм маблағ коллежга умуман алоқаси бўлмаган бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборилган.

Навоий вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси раҳбарлари давлат маблағларини ўзлаштиришнинг бошқа йўлини танлашди. Улар «Тон» хусусий фирмаси билан Қонимех туманидаги касб-хунар коллежининг қурилишда кўчаломзорлаштириш ишларини бажариш юзасидан шартнома тузилган.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги қошидаги капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи А. Зокиров ва бошқа мутасадди ходимлар мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, бюджет интизомини қўпол равишда бузишган. Вилоятда касб-хунар коллежлари қурилиши учун ажратилган маблағнинг 29,3 миллион сўмини қурилиш материаллари билан таъминлаш қobiliятига эга бўлмаган хусусий фирма ва кичик корхоналарга ўтказиб берган.

Умуман, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилиш ҳамда таъмирлаш ишларига жалб қилинган қурилиш ташкилотлари томонидан республика бўйича 34 ҳолатда 372,8 миллион сўмдан ортқ пўл маблағлари бошқа мақсадларга ишлатиб юборилган.

39,3 миллион сўмини ташкил этади.

Бундан ташқари текширилган давомий академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини жиҳозлаш борасида ҳам бир қанча кўзбўямачиликлар мавжудлиги аниқланди. Ўқув жиҳозлари учун ажратилган пўл маблағларини вақтида ўтказиб бермаслик, олинган жиҳозларни ўз эгаларига етказиб бермаслик одат тусига айланиб қолган.

Республикаимиз Президентини, келажак авлод биздан билимлироқ, ақлироқ, кучлироқ ва албатта, бахтли бўлиши кераклиги ҳақида жон куйдираётган ва ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ўстиришга ҳамма-ни давлат қилаётган бир пайтда мана шундай салбий ҳолатлар рўй бераётгани гоят ачинарлидир.

Хуллас, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмаганидек, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилиш ҳамда таъмирлаш ишларидаги суистеъмолчилик ва таъмирлаш ишларидаги суистеъмолчилик ҳақида жон куйдираётган ва ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ўстиришга ҳамма-ни давлат қилаётган бир пайтда мана шундай салбий ҳолатлар рўй бераётгани гоят ачинарлидир.

Абдуҳшом МАДАТОВ, журналист

АРМОН

ПЕШОНАМИЗ ГУРРА БЎЛДИ

"Мусобақага қатнашолмай армондамиз"

Биз, республикаимизнинг чекка туманларида яшаб, ижод қилаётган, туман газетаси муҳаррирлиги деб аталмиш кичиккина қавақда (тўғрироғи ишхонада) фаолият кўрсатаётган журналистлар қаламқашлар журматли газетамиз "Хуррият"нинг тез югуриши бўйича журналистлар мусобақасини ўтказганини эшитиб, (тўғрироғи газетамизда ўқиб) ичимизни ит тирнади.

Бундай олданда журналист халқи ёш болага ҳам ўхшаб кетади. Шоқолад тегмай қолганидан эмас, отасининг унга меҳри етмай қолганидан аламли йиғлаб олади. Тумандаги журналист эса кўнглига йиғлайди, неча бор яра бўлган юрагига йиғлайди. Газетасининг алмисоқдан қолган усулларида чоп этилаётганига ўн бор йиғласа, тахририратдаги икисодий етишмовчиликдан яна ўн марта йиғлайди...


Тақдиримиз: келгуси йили бу мусобақага республика журналистларининг мусобақасига айлантисангизлар, биз ҳам қатнашардик. Бизда ҳам чапогонлар топилмади. Келгуси йилги мусобақачага қамишдан бел бўлаб, белимиз чумоли бел бўлиб қолмас бўлган, югуришни машқ қиламиз.

Абдулла БОБОЁРОВ, Қамаш тумани газетаси муҳаррири

НАШР

ЭПЛАСАНГ — ЭПАКДА СУВ!

"Ўзбекистон матбуоти" 6-сон



XX аср сўнггида "Ўзбекистон матбуоти"нинг сўнгги сони муҳлисларини излаб, йўлга тушди. Айтиш мумкин, бир-бирдан қизқарлик, ўқиши бўлган ушбу журналистнинг 6-сонидан ҳам бир неча ахойиб мақолалар чоп этилган.

дан ҳижоа қилади. Отaxon журналистимиз Исмоил ака Сулаймонов эса устоз журна-лист, "Ташкентская правда" газетаси бош муҳаррири Аъло Ҳўжаев фаолиятига назар ташлайди.

САҲАТ

ТАПАБА КУНДАЛИГИДАН

5 декабрь. Самарқанд. Имом ал-Мотурудий, Имом ал-Бухорий макбараларининг ўзи бир мўъжиза. Регистон майдони, Гўри Амир мақбараси ажодларимиз бюклидиган бир нишона.

курсдошимиздан садака тиланаётган... Курсдошимиз эса қўрилмаган ҳужумдан қочаётган эди. Албатта, бу воқеанинг қулғули ҳам, ажабланирли ҳам жойи йўқ. Қолаверса, Самарқанддаги оdatий ҳол...

Бетакрор минораларга севинч билан боқдан қўзала-ри бунга қандай қараган бўларди? Имом ал-Бухорий мақбараси зиёратидан ҳамма ўзгача сокин кайфиятда қайтди. Автобуснинг юришини кутиб турганимизда мақбарага кириш жойида у-бу нарсалар сотиб туришган аёллар ўртасида "оғзаки жан" бошланиб кетди. Улар бир-бирларини шундай

сўзлар билан сийлашдики, уялиб кетган ўғил-қизлар уларини автобустга уришди. Бояғи улугвор қайфият эса ўз-ўзидан тўзиб кетди... 6 декабрь. Бухоро. Бу ерда ўзининг тарихда юргандек, ўтмишга тушиб қолгандаги эҳс этасан. Баҳовуддин Нақибанд мақбараси. Лаби Ҳовуз мадрасаси. Арк. Бухоро медицина, педагогика институти талабалари

ва зиёратчи талабалар ўртасидаги фикрий танишувлар... Ҳайрат минораси тепасида Бухорони қафдагидек кўрганларимиздаги ҳайратлар... Бу ердаги "Биз киммиз?" мавзусида бўлиб ўтган мунозараларда мавзу моҳияти тўла очилмай қолган бўлса-да... Бухоронинг гўзал меҳмоннавозлиги олдида курсдошларим ўз-ўзининг кимлигини тафтиш қилишга тушишганиги, катта масъулият билан кимдир бўлишга чоғланганиги эса рўст гап.

Дилрабо МИНГБОЕВА, ЎЗМУ журналистика факультети 2-курс толибаси

Гавай оролларида лиана деган ҳайабат гул ўсади. Каламушлар лиананинг ашаддий кушандаси ҳисобланади. "Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор" деганларидек, каламушлар гулни ейиш пайтида уни чанглатиб, кўпайишига хизмат қилади.

ИДДАО БИНГОХОНАГА МАРҲАМАТ! ЖУРНАЛИСТГА АЧЧИҚ НАХАТ

Хурматли "Хуррият"чилар, сизлардан қаттиқ ранжидим. "Хуррият" мустақил газета деб, дуч келган "нарсани" босавера-сизларми? Фикрлаш борми? Ен атрофимизда нималар бўлаяпти, мен қандай иқтисодий шароитда яшайман, деган саволлар туғилади ми? Ҳа, лаббай? Яна тушунма-йман, деганига ҳайронман бўларинг.

воқеа — бинго ўйини маънавият ва маърифат ўчоғи бўлган талабалар шаҳарчасида ҳам фаолият кўрсатаётганлигига нима дейсиз? Бу ҳолатни қўриб-билиб турган маъна втук инсонлар беҳиз оғзига толқон солиб олма-ганлар. Шу ўринда иқтисодий қараш қилмоқ-чиман, хорижий иқтисодий олимнинг эътиро-финча, кишилардаги эгоистик ҳолат бозор иқтисодиёти шароитида жамиятининг шаклла-нишига хизмат қилади. Демак, ватанимизнинг куч-қудрат манбаи бўлган ёшлардаги худбин-лики жонлантиришга хизмат қилаётган бундай клубларни танқид қилишга сизга ким ружаст бери?

Ҳурриятнинг 47-сонида "Қаро тунда қичқирган хўрозлар" деган мақоланинг босилгани ростми? Зухриддин Исомиддин-но ки миз? Нима истифди у одам? Гоҳ Республика тест марказининг "Ахборотнома"ларини танқид қилади, гоҳ газеталарнинг қоқ ярми рекламаларга ажратилганлиги тўғрисида ёздади. Бир сафарку "Хуросоннинг доиси" деган мақоласи билан нуфузли газетанинг беобрў қилишига оқ қолди. Мана бу сафар халқнинг назарига тушиб бораётган замо-навий ўйинлар ҳақида иддао қилибдилар. Ҳў ака, агар халқ севиб ўйнамаса, бинго, биланд, "Бахтли воқеа" ўйинларига ҳар беш қадамда дуч келмасдингиз. Халққа нафи борки, лотерейларнинг ҳилма-хиллари кўпайиб борапти-да. Ўзингиз ўйланг, маҳаллаларда бериладиган моддий ердандан тортиб иш ҳақларигагина лотерея-ни "илтимос" қилиб, қўшиб олаётганими, демак, бир гап бор.

Оғзи шалоқ яримйиланчоқ қизлар, янги чиққан ўзбек йигитлари бу бошқа масала. Иқтисодиётда Филипс эгри чиғизи деган тушуна бор. Бозор шароитида иқтисодиёт икки ўзи: ишсизлик ва инфляция орасида ривожлангани каби маънавият ҳам қандайдир салбий қушлар орасида ривожланса ажабмас. Зухриддин ака, ёшлигимизда замона зўрни-ки, томоша кўрники деган мақолни эшитарди-му, мағзини чақа олмас эдим. Замонамиз зўрники эканлигига шубҳам бор, бироқ томошани зўрнини кўр қўраётганлигига амин-ман. Яъни, қўриб туриб, қўрмаганликка олаётганлар тараққийнинг илдиғига болта ураётганлигини яна 10 йиллардан кейин ҳис қилади. Мўҳими, тўйдан кейин аюҳаннос солишмасас бас.

Хурмат билан шум иқтисодчи ДШШДБЕК РАҲМАТОВ






МУАММО

ҚОЧОҚЛАР ТАҚДИРИ

14 декабрь куни БМТ Қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссарлиги Бошқармаси ташкил этилганига 50 йил тўлади




хуқуқлари ҳимояси учун шу йили БМТнинг "Қочоқлик мақоми" тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинди. Комиссариятнинг бош вазифаси - Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европада жабр кўрган, бошланасиз, ватансиз қолган 1 миллион 200 миң одамни уйғой, озиқ-овқат билан таъминлаш ва охири оқибатда, ўз ватанларига қайтаришдан иборат эди. Шу йили биринчи бор уруш тўғрисидаги жабр кўрган бегуноҳ инсонларга халқаро миқёсда жиддий ёндашилган эди.



оце, Либерия, Руанда, Сомали, Эритрея, Эфиопия, Уганда, Бурунди, Судан, Ангола каби мамлакатлари фуқаролари учун очлик, муҳтожлик, уруш ва шу тўғрисидаги қочоқликдаги ҳаёт - XX асрда битилган қисматдай бўлиб қолди, гўё. Туғилиб, ўқ овозини ашитган қора-қура болакайлар, ҳар замонда, бошларини пана қилгандай қунишиб-қунишиб олиб, ўйинда давом этаверишади. Албатта, агар ўйинга ҳоли келса. Зеро, бу ҳудудда, хусусан, Эритрея, Судан, Сомали каби давлатлар сўнгги ўн йил ичида бир неча маротаба дахшатли очликни бошдан кечирди. Ким билади, айримлар учун бу фикрлар ўта ҳис-

Инсон яратилибдики, ўсиб, тараққий этиб боргани сари, унинг тириклик учун кураши ҳам ривожланиб, такомиллашиб бораётгандек. Аввалги инсон ҳар қандай ҳаффи энг ибтидоий усул - найза билан даф этса, бугун ақинча. Инсоният билан баб-баравар ўсиб, илдири отиб келаётган нифоқ, жаҳолат тўғрисида кураш - мурасасиз урушга айланган бораётти. Инсоннинг ўз қўли билан яратилган қурол душманини шонига олган лаҳзадан унинг ўзи учун ҳам оламжаҳон хатарга айланмоқда. Уни чексиз азоб-укубатга, беҳалолат ҳаётга дучор қилмоқда. Бундан 50 йил муқаддам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қочоқлар масаласи билан шуғулланувчи махсус комиссарият таъсис этилди. Қочоқлар - ўз юртиларини нотинчлик, уруш тўғрисида ташлаб чиқиб, халқаро чегараларни кесиб ўтишга, қўшни мамлакатларга қочиб чиқишга мажбур бўлган фуқаролар

қуриган минглаб одамлар, эти устихонига ёпишган чўпсуяк гўдақлар, кўзаш билан урушларни, уларни бошлаган қиссаларни қаргаётган аёллар тасвирлари бунга исбот. Тинчгина юрда хотиржам ўтирганча телевизор кўраётганимизда кўзга ташланган қолдирган бир неча дақиқалик бу лавҳалар қаршида, одатда, ҳайратга тушамиз. Юрак-юракдан ачинамиз. Жисми жонида қолган энг сўнгги кучи билан номалум тақдир измида тириклик учун курашаётган бу гўдақлар, назаримизда, жуда олисда, дунёнинг мулақоқ нариги бир бурчида яшаётгандек туюлади. Гўёки, уларнинг бизга, инсониятга, шитоб билан тараққий этиб бораётган замонага у қадар алоқаси йўқми? Аммо улар у қадар узоқда эмас. Уруш балоси сал наридаги Афғоннинг, 20 йилдан ошдики, тинка-порасини қуритмоқда. Осиё китъасидан четта чиқишнинг ҳолати йўқ - Камбоджа, Вьетнам, Таиланд, Мьянма (собик Бирма), Шри-Ланка каби давлатларда қочоқликда ҳаёт кечиришга мажбур бўлган одамлар бор. 1997 йили - "Қайиқдаги одамлар" номи билан дунёга танилган вьетнамлик 1200 нафар қочоқ каттик жала остида Гонгконгга йўри келганига олам гувоҳ. Қўлига



қурол олиб, бемақсад уруш майдонларида юрган бир ярим миллиондан ортиқ гўдақларнинг ярмига ақини Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида эканлигига Таиланднинг Ратчабури шаҳрида "Худо армияси" жаңгари гуруҳи билан содир бўлган воқеалар жараёнидан сўнг гувоҳ бўлди. БМТ ҚОКБ нинг берган маълумотларига кўра, 1992 йили Мьянманинг 250 миң фуқароси Бангладеш ҳудудида, 1997 йилда шри-ланкалик 200 миңдан ортиқ фуқаро ўз мамлакатлари ҳудудида қочоқликда ҳаёт кечиришга мажбур, ёрдамга муҳтож одамлар сифатида комиссарият рўйхатида ўтган эди. Утган ҳафтада охирида эса вьетнамизда - қўшни Тожикистоннинг айрим ҳудудларида БМТнинг инсонпарварлик ёрдами этиб келди. Албатта, бунинг сабаби - уруш эмас, қурғоқчилик муаммоси. Бирок, вьетнамизда бу заминга ҳам инсонорлик ораганини кишини қандир ҳушёр туришга мажбур қилади. Ваҳоланки, Африка китъасининг Сьерра-Ле-

ЛОЙИХА

TACIS: ЯНГИ АСРГА ҚАДАМ


Европа иттифоқи TACIS дастури учун 2000-2006 йилларга мўлжалланган янги мезърий ҳужжатлари ишлаб чиқди. Эндиликда Европанинг МДХ давлатлари ва Мўғулистонга ёрдам дастури лойиҳалар танлашда, ҳамкорликдаги янги вазифалар ва йўналишлар бўйича бирмунча қатъий мезонларга асосланади. Ушбу ҳужжатлар орасида инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларида ёрдам бериши узил-кесил тўхтатиш тўғрисидаги талаблар ҳам мавжуд. TACIS (Technical Assistance to the Commonwealth of Independent States) дастури мустақилликка эришган собиқ Иттифок давлатларига техникавий ёрдам дастури ҳисобланиб, номланганига истисно тариқда унинг жўрғойи қўлама бироз кенгрок. Яъни, TACIS лойиҳалари собиқ Иттифок давлатлариданга эмас, балки Мўғулистонда ҳам амалга оширишга мўлжалланган.

каратган. XXI асрнинг дастлабки 6 йили давомида TACIS асосан уч турдаги: миллий, давлатлараро ҳамда халқаро дастурларни қўллаб-қувватлашни назарда тутган. Асосий эътибор экология, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ижтимоий ўзгаришларга қаратилган. Келгусида минтақадаги 10 та давлат иштирокида Украинадан Марказий Осиёгача қўйилган "Буюк ипак йўли" замонавий транспорт магистраллини барпо этиш режалаштирилган. Орол денгизининг экологик муаммоларига эса минтақадаги барча давлатларнинг умумий оғрик нуқтаси сифатида ҳар домғимдайдир биринчи даража ли бўлиб қолади. Шунингдек, қўллаб кичик-кичик лойиҳалар ҳам борки, улардан қўзланган мақсад, келгусида ҳам ижтимоий ўзгаришлар, қашшоқлик ва турли касалликлардан азият чекаётган аҳоли қатламга ёрдам беришдан иборат. Аниқроқ қилиб айтганда ёрдам беришдан иборат. Аниқроқ қилиб айтганда ёрдам беришдан иборат. Аниқроқ қилиб айтганда ёрдам беришдан иборат.

Маълумки, 1991-1999 йилларда Европа Иттифоқи (ЕИ) собиқ Иттифок республикаларига барқарор бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий давлат қарор топтириш, бошқарув тизими, давлат монополияси ва қишлоқ хўжалигини ислох қилиш учун 4 миллиард еврога яқин маблағ ажратди. Ана шу маблағнинг энг катта қисми (29%) хусусий секторни ривожлантириш ва бошқарув тизimini ислох қилишга жалб этилди. 26 фоизи эса транспорт, алоқа, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига кетган бўлса, 20 фоизи ядро реакторларининг хавфсизлиги учун сарфланди. Бирок ҳамма лойиҳалар ҳам муваффақият қозонди деб бўлмайди. Масалан, Европа ҳисоб-китоб палатаси Россия ва Украинада ядро хавфини бартараф этишга сарф қилинган харажатларни танқид остига олди. Бу соҳага йилга 40 миллион марка сарфланганини

ларларни ўз ичига олган. Шу ўринда бир нарсани унутмаслик керакки, TACIS дастурининг бош мақсади - демократик қарашларни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Бунинг назардан четда қолдирган ёки ушбу талабларга риоя этмаган мамлакатларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари мавжуд. TACISнинг янги кўрсатмаларида инсон ҳуқуқлари поймол қилинаётган давлатларга ёрдам бериши дарҳол тўхтатиш ҳақидаги қатъий шартлар ҳам киритилган. Бундай мамлакатларга мисол қилиб Беларусини олиш мумкин. Инсон ҳуқуқларининг бузилиши, ҳуқуқнинг Конституцияга зид бўлган ажабтовур ҳатти-ҳаракатларига сабаб, бу мамлакатда амалга оширилиши кўзда тутилган ёрдам дастурларининг айримлари (алоҳида аҳамиятга молик молиявий дастурлар) тўхтатиб қўйилди. Энди TACIS Беларусга фақат нодавлат ташкилотларига мўлжалланган кичик лойиҳалар, ҳуқуқатга эмас, балки оддий халқ манфаатларига, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган дастурларни жалб этади, ҳолос.

Хорижий матбуот материаллари асосида Нодира АБДУЛЛАЕВА тайёрлади



— Отажон! Келақолинг, қўйлақ-иштиним қуриди.

БИТИМ ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИГА ЖАВОБ

7 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Дастурининг "Ўзбекистонда сув танқислиги оқибатлари бўйича тезкор чора-тадбирлар" лойиҳаси кунга кирди. Ушбу лойиҳа Республикада сув ресурслари (захиралари) билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилиши учун хизмат қилади. Дастурининг олти ой давом этиши режалаштирилган бўлиб, унинг тўлиқ амалга оширилиши учун 150 миң АҚШ доллари ажратилган. Янги лойиҳа тўғрисида Оролбўйи ва Қорақалпоғистон аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилади. Хозирда Орол денгизининг қуриб бориши ва шу сабабли Оролбўйи минтақасидаги табиий муҳитнинг бузилиши экологик ғожага деб баҳоланмоқда. Президент айтганидек, бу муаммо миллий кўлфат бўлиб қолди. Йилга 78 куб км сув келтирадиган Амударё ва 36 куб км сув келтирадиган Сирдарё бизнинг асосий сув манбаимиз бўлиб, улар ҳам чекланган (абдий эмас). Тўғрисида, бизда сув етарли микдорда бор, аммо қерағидан ортиқ даражада сарфланмоқда. Дастурининг ажралмас қисми шундан иборатки, у ичимлик суви танқислигини бартараф этади. Ичимлик сувининг ифлосланиши бутун республикада, айниқса Оролбўйи минтақасида касалликка чалинишининг оқибатига кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. Чекка-чекка қишлоқларда бўйрағида тош йиғилмаган, шоксонни ормигаганлар қанча қолди? Яқин орада 300 кўл, насоси сотиб олиш ва уларни Қорақалпоғистоннинг Қораузоқ, Тахтақўпри ва Бузтов туманларига ўрнатиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳа юртбошимизнинг БМТ ва Истанбул саммитларига сўзланган нутқлари (унда Оролни қўтаришга қарай қор эди) га жавобан ишлаб чиқилган. Уни тайёрлаш жараёнида БМТнинг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ташкилоти ҳамда Бутунжаҳон озиқ-овқат Дастури вакиллари Қорақалпоғистондаги вазиятни баҳоладилар. Битим Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий ва статистика вазирлиги ўринбосари Бахтиёр Хўжаев ва БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Павел Кравчак томонидан имзоланди. Маълумки, бу дастур учун жавабгарликни бизнинг томон ўз зиммасига олди. Дастурга ажратилган пул ўз мақсадида ишлатилади.

Table with contact information for 'DURIYAT' magazine, including address, phone numbers, and subscription rates.

Швейцарияликларнинг 66 фоизи, олмонларнинг 65 фоизи меҳнат таътилини чет элларда ўтказишга, ватанпарвар америкаликларнинг атиги 4 фоизигина дам олиш учун хорижий ўлкаларни танлар экан.

— Отажон! Келақолинг, қўйлақ-иштиним қуриди.

САВОЛ-ЖАВОБ ОҚИБАТЛИ ҲИНДЛАР

Ҳиндистон ер шарида аҳолининг кўпчилиги жиҳатидан Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради. Бу ерда қарийб миллиардга яқин киши яшайди. Дунёнинг бошқа мамлакатларида қанча ҳиндлар яшайди?

А. БОБОҚУЛОВ Зафаробод тумани

Ҳинд диаспораси дунёнинг бешала китъасида ҳам яшайди. Уларнинг жами сони 20 миллион кишини ташкил этади. Ҳиндустон олимларининг қайд этишича, Ҳиндистон аҳолисининг мунтазам муҳожирилиги ўрта асрнинг 30-йилларидан, инглиз мустақиллашчилик ва куллигидан бошланган.

Британия империясига қишлоқ хўжалиги (асосан плантациялар) да ва иқтисоднинг хом ашё етказиб берувчи қисмларида (масалан, тоғ-кон sanoати) ишлаш учун янги ишчи кучлари керак бўлади.

Бу "ташқи омил" муҳожириклик имкониятини юзасга ҳелишига сабаб бўлди. Айниқса, ички оқибатларнинг чуқурлашуви, иқтисоднинг пугурдан кетиши ҳинд жамиятининг океан ортидан бахт излашга, оғир ва мураккаб вазиятда ишлаб бўлса-да, пул топишга мажбур қилди.

Мамлакатдан муҳожирларнинг турли гуруҳлари бахт ва омад истаб тўхтовсиз йўлга тушдилар. Шу-шу бир қанча давлатларда ҳинд диаспораси вужудга келди. Бирма, Гайана, Кения, Маврикий, Малайзия, Суринам, Танзания, Тринидад ва Тобаго, Уганда, Фиджи, Шри-Ланка, Жанубий Африка Республикаси, Ямайка шу давлатлар жумласига кирди. Ҳатто, айрим давлатларда ҳиндларнинг нуфузи мавжуд аҳолининг ярми ва унда кўпрогини ташкил этади.

Мисол учун, Гайанада аҳолининг 50,16 фоизи, Маврикийда 67, Суринамда 36,9, Тринидад ва Тобагода 40,1, Фиджида 48,6, Шри-Ланкада 18,2 фоизини ҳиндлар ташкил этади. Катта таъсирга эга диаспора эса АҚШ ва Англияда умргузаронлик қилади.

Кийёс

